



## ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН МУЛКИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИЧА ЁНДАШУВИ

**Мавлонов Темур Анвар ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Олий таълимдан кейинги таълим факультети  
докторантура докторанти

E-mail: [temurmavlonov12345@gmail.com](mailto:temurmavlonov12345@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7233028>

### ARTICLE INFO

Received: 27<sup>th</sup> September 2022

Accepted: 01<sup>st</sup> October 2022

Online: 20<sup>th</sup> October 2022

### KEY WORDS

зарар, мулкий зиён,  
фуқаровий жавобгар, зиённи  
қоплаш, компенсация, махсус  
фонд.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш билан ҳуқуқий нормаларнинг бугунги кундаги ҳолати, бу борада янги қонун нормасини қабул қилиш эҳтиёжи, ушбу қонун қайси муносабатларни қамраб олиши лозимлиги, бу бўйича халқаро тажриба ва ушбу фаолиятга боғлиқ бошқа фикр ва мулоҳазалар акс эттирилган, адабиётлар ўрганилиб, умумий хулоса қилинган.*

Мулкий зиённинг қопланишини таъминлашда асосий урғу зарар етказган шахс томонидан қоплаб берилишига қаратилади. Аммо, ишда бирон бир шахсни айбланувчи сифатида жалб қилинмаганда, шунингдек, айбланувчи сифатида жалб қилинган шахснинг моддий аҳволи зарарни қоплаш имконини бермаса ёки ушбу шахсларни тергов ва суд жараёнига таъминлаш имконияти мавжуд эмаслиги туфайли иш бўйича якуний қарор қабул қилинмаётган ҳолларда мулкий зиён кўрган шахсларнинг ҳуқуқларини ушбу жиҳатдан таъминлаш имконсиз.

Давлат томонидан жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашнинг кафолатланган тартиб-таомилини жорий этиш бу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга маълум даражада хизмат қилади. Бу нарсага эришиш учун энг аввало ушбу фаолият ҳуқуқий тартибга солиниши,

яъни соҳага доир қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниши лозим. Биринчи навбатда “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиён кўрган шахсларга компенсация тўлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиниши керак.

Мамлакатимизда ушбу қонун қабул қилинишига эҳтиёж мавжудми? Мамлакатимизда бу борада маълум ишлар амалга оширилган бўлиб, айрим жиноятлардан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини давлат ўз кафилигига олган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 август куни янги таҳрирда қабул қилинган (аввалги таҳрири 2008 йил 17 апрель куни қабул қилинган) “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 22-моддасида [2] одам савдоси жиноятдан жабр кўрган шахслар тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканликлари, 29-моддасида эса ушбу



ёрдам билан боғлиқ ва ушбу шахсларнинг келиб чиқиш мамлакатига ёки ўзлари доимий яшайдиган давлатга қайтариш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган, лекин ушбу жиноят натижасида кўрган мулккий зиён қоплаб берилиши билан боғлиқ масала ўз аксини топмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрь куни қабул қилинган “Тероризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунининг 22-моддасида “Террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади” [3] деб қайд этилган бўлсада, амалда ҳеч қайси бир қонун ёки қонуности ҳужжати билан зарарни қолаш тартибга солинмаган. Ушбу қонуннинг 24-моддасидаги қоидалар ва қонун ижросини таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 414-сон қарори [4] билан тасдиқланган “Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисида низом” шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш чораларини назарда тутаяди, зарарни қоплашни эмас.

Жиноят натижасида ногирон бўлиб қолган шахсларни давлат ўз химоясига олади. 2020 йил 15 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунда маълум бир тиббий хизматлардан бепул фойдаланиш, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш ва уларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши

белгиланган. Шунингдек, уларга маълум бир пул тўловлари (нафақа, пенсия, бир йўла тўлаб бериладиган пуллар) тўлаб берилиши белгиланган. 1993 йил 3 сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунда ҳам ногиронлиги бўлган шахслар ва боқувчисини йўқотган меҳнатга лаёқатсиз шахслар пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган ва буларнинг барчаси бугунги кунга қадар ўз самарасини бериб келмоқда. Лекин, бу жиноят натижасида етказилган мулккий зиённи қоплаш билан боғлиқ муаммоларнинг бир қисминигина қамраб олади, холос. Бевосита жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг мулккий ҳуқуқларини тиклашга қаратилган бирон қонун ёки қонуности ҳужжати мавжуд эмас. Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрь кунидаги “Жиноят натижасида етказилган мулккий зиённи қоплашга оид қонунчилиқни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сон қарори фақатгина ушбу фаолиятга доир қонунчилиқнинг қўлланилиши бўйича кўрсатмалар ва тушунтиришлар беради.

Қонун қайси соҳадаги муносабатларни қамраб олиши лозим? Давлат томонидан барча турдаги жиноятлар турлари бўйича ва барча зарар кўрган шахсларга ушбу зарарнинг қоплаб берилиши имконсиз ва мантиқсиздир. Масалан, фирибгарлик жиноятларида ўз ишонувчанлиги туфайли маълум бир моддий қимматликни ўзга шахсларнинг ихтиёрига қўш қўллаб топшириб қўйишлари ёки бўлмаса ўз мулкчининг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрмаганлиги натижасида ўғирлик жиноятининг содир этилиши



натижасида етказилган мулкый зиённинг давлат томонидан қоплаб берилиши ҳеч бир давлат тажрибасида кузатилмас керак. Бу биринчи навбатда давлатдан жуда катта моддий ресурс талаб этади, бу жараёнларда исботлаш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш бир мунча қийин ва мураккаб кечади, баъзида эса исбот қилишни амалга оширувчи шахслар иложсиз қоладилар.

Иккинчидан, бу коррупциявий ҳолатлар содир этилишига йўл очиб беради, боқимандалик ва давлатдан пул ундириш билан боғлиқ жараёнлар кўпайишига олиб келади. Тушунганингиздек, ушбу қонун зарар етказилганлик факти исбот қилиниши мумкин бўлган, шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қиладиган жиноятлар натижасида етказилган, шунингдек, инсоний тамоиллар ҳам ушбу зарарни қоплаб берилиши тарафдори бўлган ҳолатларни қамраб олиши лозим. Хусусан, жинсий зўравонлик, ҳаётга ва соғлиққа қарши жиноятлар, одам савдоси ва қийноқ билан боғлиқ жиноятлардан жабр кўрган шахслар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ушбу қонун билан зарар қоплаб берилиши мумкин бўлган шахслар доирасини қамраб олиши лозим.

Бу борадаги халқаро тажриба ва унинг қонунчилигимизга имплементация этиш мумкин бўлган ижобий жиҳатлари. Ушбу фаолиятга доир халқаро тажрибани ўрганганимизда АҚШ [9], Буюк Британия, Франция [10], Германия [8], Қозоғистон ва бошқа бир қанча давлатларда зўравонлик жиноятлари натижасида шахсларга етказилган тан жароҳатларининг оқибатларини

бартараф этиш, даволашга сарфланган ёки сарфланиши лозим бўлган харажатларни қоплаб беришни амалиёти мавжудлигини кузатдик. Бунинг учун ушбу давлатлар томонидан махсус дастур ёки қонунлар қабул қилинган. Айнан шу дастур ёки қонунлар ижросини таъминлаш учун махсус фондлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг молиялаштириш манбалари асосан давлат маблағларига бориб тақалади ва қисман хайрия пуллари, шунингдек реституция тамоили асосида айбдор шахслардан олинган пуллар ушбу фондга йўналтирилади. Баъзи давлатларда жарима, ахлоқ тузатиш ишлари жазолари қўлланилиши натижасида келиб тушган пуллар ҳам айнан шу фондга йўналтирилган.

Ушбу қонун асосида тўлаб бериладиган компенсация миқдори қанча бўлиши мумкин ва у нима асосга кўра белгиланади?

Юқорида такидлаб ўтилган товон пули (компенсация) олиши мумкин пулган шахсларга тўланадиган умумий пул суммаси улар кўрган зарар суммасидан ошмаган миқдорда, аммо маълум бир миқдор билан чекланган кўринишда бўлиши лозим. Чунки ҳар қандай ресурслар ҳам маълум бир миқдор билан чекланган ва у ушбу ресурсдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган барча шахсларни қамраб олиш имкониятида тақсимланиши лозим.

Масалан, Буюк Британияда тан жароҳати билан боғлиқ жиноятлардан жабр кўрган шахсларга тўлаб бериладиган пул миқдори тан жароҳатининг хусусиятига қараб маълум гуруҳларга ажратилган [6], қўшни Қозоғистон Республикасида эса жиноятнинг турига қараб қатъий юқори



суммалар белгиланган [7]. Бизнинг фикримизча Қозоғистон Республикаси тажрибаси бизнинг қонунчилигимиз учун айнан мос.

Шахслар қандай ҳолларда компенсация олиш ҳуқуқидан фойдалана олмаслиги керак?

Компенсация олиши мумкин бўлган шахсларга етказилган зарар айбдор шахс томонидан қоплаб берилганда;

ушбу ҳуқуқдан фойдаланишнинг реал имконияти вужудга келгандан бошлаб уч йил вақт ичида узрсиз сабабларга кўра ариза берилмаса;

терговга қадар текширув, тергов ва суд органлари билан ҳамкорлик қилишдан бош тортса;

нотўғри ёки сохта ҳужжатлар тақдим этилганлиги аниқланганда;

жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этиш тўғрисидаги қарор бекор қилинганда шахсларнинг бу ҳуқуқдан фойдалана олиш имконияти чекланиши лозим.

Ушбу қонун ижросини таъминлашнинг моддий манбалари қай тарзда шакллантирилади?

Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи давлат томонидан қоплаб бериш тизими жорий этилган мамлакатларнинг аксариятида молиялаштириш манбалари асосан давлат бюджети ва кейинги ўринда судлов фаолияти натижасида ундирилган ҳар қандай маблағлар ташкил этади. Юртимизда эса ушбу тизимни жорий этишда қуйидагилар молиялаштириш манбалари сифатида олинганда мақсадга мувофиқ бўлар эди деган фикрдамиз:

1. Жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва хизмат бўйича чеклаш жазолари ижросидан ундирилган пул маблағлари;

2. Давлат фойдасига мусодара қилинган ашёларни сотиш натижасида олинган даромадлар, гаров эҳтиёт чораси қўлланилганда банк депозит ҳисобига қўйилган пуллардан олинган фоизлар.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда яна бир устун вазифасини бажаради, назаримизда.

Юқоридаги ҳолатлар бартараф этилганда эса бу ҳуқуқи яна тиклаб берилиши лозим. Қуйида мулкий зиённи қоплашнинг бошқа бир қанча механизмларни кўриб чиқамиз.

Мулкий зиённи қоплашда унинг миқдорини белгилаш механизми қандай тартибга солиниши лозим?

Ҳозирги кунда мамлакатимизда жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан жиноят натижасида мулкий зиён кўрган шахсларнинг кўрган зиёнининг миқдорини аниқлаш ва ушбу зиённи қоплаб беришда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик ва Фуқаролик процессуал, Меҳнат ва Солиқ кодекслари, шунингдек Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрь кундаги “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сон қарори асосий ҳуқуқий таянч сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини бриташига масъул бўлган шахсларнинг фуқаровий даъво қийматини белгилаш билан боғлиқ асосий қоидалар ўз аксини топмаган. ЖПКнинг 281-моддасида фуқаровий



даъво ҳажмини аниқлашда фуқаровий, меҳнат ва бошқа соҳа қонунчилиги қоидалари қўлланилиши қайд этилган. Фақатгина айрим нормаларда, хусусан, ЖПКнинг 288-моддасида “Мол-мулкнинг дастлабки ва кейинги қиймати ҳамда товар кўринишини йўқотганлик учун товон пули мутахассис ёки эксперт иштирокида аниқланади, таъмирлаш қиймати эса, таъмирлашни амалга ошираётган корхона берган ҳужжат асосида аниқланади” дейилган. Бу қоида фақатгина мулк ўз хусусиятини ёки қийматини йўқотган ҳолларгагина тааллуқли. Фақатгина, Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрь кунисидаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сон қарорининг 10-банди мулкӣ зиён миқдорини аниқлаш билан боғлиқ чоратадбирларга бағишланган. Хусусан ушбу банднинг биринчи хатбошисида “Жиноят объекти бўлган мол-мулк қийматини аниқлашда унинг мулкдор томонидан орттирилиши (сотиб олиниши) ҳолатларига қараб, жиноят содир этилган пайтдаги шартномавий, улгуржи, чакана, биржа ёки бозор нархидан келиб чиқиш лозим. Мол-мулкнинг нархи мавжуд бўлмаганда унинг қиймати эксперт хулосасига кўра белгиланади” деган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу банднинг иккинчи хатбошисидан “Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозим” ва шунингдек, “Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади” [5] деган қоидалар ҳам белгиланган. Ушбу қоидалардан кўриниб турибдики, мулкӣ зиённи ундириш билан боғлиқ масала ҳал қилинаётган вақтда жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиён мол-мулкка етказилган бўлса ёки валюта қийматликларига тааллуқли бўлса, унинг ҳукм чиқарилган вақтдаги қиймати инобатга олинади. Бу албатта, мулкӣ зиён кўрган шахсларнинг манфаатларини ўйлаб қилинган адолатли қарор деб ҳисоблаймиз. Лекин, бу ўринда юқоридаги қоидада валюта қимматликлари деганда хорижий валюта назарда тутилмоқда. Мамлакатимиздаги содир этилган жиноятларнинг аксарият улушида валюта қимматликлари билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида, яъни, “сўм”да амалга оширилади. Юқоридаги қоидада миллий валютамизнинг қадрсизланиши билан боғлиқ ҳолатлар инобатга олинмаган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1013-моддасида “Қонунчиликда белгиланган тартибда базавий ҳисоблаш миқдори оширилганида бой берилган иш ҳақи (даромад)ни, жабрланувчининг соғлиғига путур етказилиши ва унинг вафоти муносабати билан белгиланган бошқа тўловларни қоплаш суммалари қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилади” [1] тариқасидаги қоида мавжуд бўлсада, бу қоида миллий валюта билан боғлиқ муносабатларни қамраб олмайди. Буни қуйидаги мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қиламиз:



1. Тасаввур қилинг, 2018 йил январ ойида жиноят содир этилиши натижасида мол-мулкингизга шикаст етказилди ва ва ушбу мол-мулкнинг уша вақтдаги қиймати 10 миллион сўми ташкил этди. Айбдор шахс топилиб, унга нисбатан 2022 йил март ойида ҳукм чиқарилди ва сизга нисбатан етказилган мулкий зиённи қоплаш жараёнида мол-мулкингизнинг ҳукм чиқарилган вақтдаги қийматида, мисол учун 12 миллион сўм ундириб берилди.

2. 2019 йил 16 апрель куни фирибгарлик жинояти натижасида 5000 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ушбу санада бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 8455 сўм 37 тийин этиб белгилаган, яъни ушбу вақтдаги зарар миқдори 42276850 сўми ташкил этган) миқдориди мулкий зиён кўрдингиз. Айбдор шахс аниқланиб, унга нисбатан 2022 йил 21 май куни айблов ҳукми чиқарилган. Бунда сизга нисбатан етказилган мулкий зиённи ундириш чоғида ҳукм чиқарилган кундаги қийматда, (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ушбу санада бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 11088 сўм 20 тийин этиб белгилаган) яъни 55441000 сўм миқдориди ундириб берилиши лозим (ўртадаги тафовут қарийб 13 миллион сўми ташкил этмоқда).

3. Юқоридаги ҳолатнинг бироз бошқача кўриниши, яъни 2019 йил 16 апрель куни фирибгарлик жинояти натижасида 42 миллион сўм миқдориди мулкий зиён кўрдингиз. Айбдор шахс аниқланиб, унга нисбатан 2022 йил 21 май куни айблов ҳукми чиқарилган. Бунда сизга нисбатан етказилган 42 миллион сўм миқдорда мулкий зиён ундириб берилиши лозим.

Ўтган вақт оралиғидаги пулнинг кадрсизланиши билан боғлиқ ҳолат инobatга олинмаяпти. Жиноят натижасида мулкий зиён кўрган шахснинг зарар қоплаб берилаётган вақтдаги миқдор бўйича харид қуввати зарар етказилган вақтдаги миқдор бўйича харид қувватига нисбатан сезиларли пасайиш оқибатини келтириб чиқармоқда, яъну бу пулга ўша вақтда олиши мумкин бўлган товар ёки хизматларни ола олиш имкониятига эга бўлмай қолмоқда.

Ушбу муаммога ечим сифатида жиноят содир этилган вақтдаги мулкий зиён миллий валюта қимматликлари билан боғлиқ ҳолда етказилган бўлса, ушбу миқдорни зарар етказилган вақтдаги Ўзбекистон Республикаси базавий ҳисоблаш миқдорига боғлиқ ҳолда ҳисоблаш тартибини жорий этишни таклиф этамиз. Ушбу ечимни қуйидаги мисолда қўллаган ҳолда тушунтиришга ҳаракат қиламиз:

2019 йил 1 октябрь куни хонадонда содир этилган ўғирлик жинояти натижасида 33 миллион 450 минг сўм миқдорда миллий валюта кўринишидаги пул қимматликлари қонунга ҳилоф равишда ўзлаштирилган. Ушбу вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдори 223 минг сўми ташкил этиб, юқоридаги миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараварини ташкил этган. Айбдор шахс аниқланиб, унга нисбатан 2022 йил 2 июнь куни айблов ҳукми чиқарилган. Бунда сизга нисбатан етказилган мулкий зиённи ундириш чоғида ҳукм чиқарилган кундаги базавий ҳисоблаш миқдори инobatга олинган ҳолда зарар қоплаб берилиши керак. Ушбу вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш



миқдори 300 минг сўм бўлиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари миқдориди қоплаб берилиши лозим бўлган қиймат 45 миллион сўмни ташкил этади.

Юқоридаги тартиб қўлланилиши орқали жиноят дан мулкӣ зиён кўрган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимояси янада кучайтирилган бўлар эди назаримизда. Ушбу амалиётни жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрь кундаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сон қарорининг 10-банди иккинчи

хатбошисини қуйидаги қўшимча қоида билан тўлдиришни тавсия этамиз:

“Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади, Ўзбекистон Республикаси Миллий валюта қимматликлари билан боғлиқ зарар ҳукм чиқарилган кунда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдорига боғланган ҳолда карралаш йўли билан қайта ҳисобланади.”

Ушбу фикрларни умумлаштириб шундай хулосага келиш мумкин: Ҳар қандай қоидалар авваламбор адолатни таъминлашга хизмат қилиши лозим, шу жумладан, зарар масаласида ҳам.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Иккинчи қисм (21.04.2022 ҳолатига кўра) // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/180552> (мурожаат этилган сана: 11.05.2022)
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-633-сон қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/4953314> (мурожаат этилган сана: 17.05.2022)
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги 167-II-сон қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/29526> (мурожаат этилган сана: 17.05.2022)
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги “Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 414-сон қарори // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3243500> (мурожаат этилган сана: 17.05.2022)
5. Олий суд Пленумининг 2016 йил 27 декабрь кундаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сон қарори / Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3115385> (мурожаат этилган сана 10.05.2022)
6. Буюк Британиянинг 2015 йил октябрь ойида қабул қилинган Жабрланувчилар кодекси (Code of Practice for Victims of Crime) // Электрон манба: [https://www.cps.gov.uk/sites/default/files/documents/legal\\_guidance/OD\\_000049.pdf](https://www.cps.gov.uk/sites/default/files/documents/legal_guidance/OD_000049.pdf) (Мурожаат этилган сана 30.05.2022 й.)



7. Қозоғистон Республикасининг 2018 йил 10 январдаги “Жабрланганлар учун компенсация жамғармаси тўғрисида”ги қонуни // электрон манба: <https://adilet.zan.kz/kaz/docs/Z1800000131> (Мурожаат этилган сана: 30.05.2022)
8. Германия Федерациясининг “Жабрланувчиларга компенсация тўлаш тўғрисида”ги қонуни. // Электрон манба: <https://www.gesetze-im-internet.de/oeg/> (Мурожат этилган сана: 01.06.2022)
9. Волынская О.В, Федоров М.И. О допустимости корректировки отечественного законодательства, регламентирующего статус потерпевшего, при использовании норм международного права // Вестник экономической безопасности. - 2016. - № 2. - С. 58.
10. Иванов Д.И. “Досудебный порядок возмещения вреда, причиненного преступлением: теоретические и правовые основы, проблемы правоприменения” // :Дис. док. юрид. наук. – М.: 2017. – С.62.